

>фат, никотинамид ва гидрокарбонатнинг 4%ли эритмалари учун қабул қилинган шай юборилади. Саломатлигини тиклаш мақсадида В- ва С - гуруҳ витаминлардан даланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Герунова Л.К. Пестициды и отравления сельскохозяйственных животных // ■. Каталога «Общество, политика, право». -2004. -19 с.

2. Жаворонков Н.И. Патогенез, диагностика, лечение и профилактика отравлений отных карбаматными пестицидами: автореф д-ра вет.наук. -М., 1981.-34 с.

3. Искандаров А.И., Садыкова Н.Д., Сирота А.Р. Состояние некоторых азателей иммунологического статуса экспериментальных животных при остром 1влении пестицидами И Доклады АН УзССР.-1989. -№11.-с.59-69.

4. Медведь Л.И. Справочник по пестицидам (гиг. применения и токсикология). - в.: “Урожай,” 1974.-448 с.

УДК: 619.576.895.751.614.449.57.

СУМИ-АЛЬФА ПРЕПАРАТИНИНГ ИНСЕКТОАКАРИЦИДЛИК ХУСУСИЯТИ

Пўлатов Ф.

Ўзбекистан ветеринария илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг эктопаразитларига ва синантроп ҳашаротларга қарши янги маҳаллий ўсимлик пиретроид препарати - суми- альфа (эсфенвалерат) препаратининг ҳархил концентрацияларини инсектоакарицидлик хусусияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Эктопаразит, зоопаразитоз, ҳашарот, кана, инсектоакарицид, энтомоцид, акарицид, бовиколоз, гиподерматоз, рипицефалоз.

Кириш: Ўзбекистан Ҳукуматининг аҳоли ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларини биопатогенлардан самарали ва хавфсиз ҳимоя қилиш чораларини яратишга, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш таъминлашга, унинг меҳнат унумдорлигини кутаришга ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга қаратилган қарор ва талабларига асосланган ҳолда:

Илмий муассасалар ва олимлар олдига республикада кенг тарқалган тоопаразитлар ва паразитозларга, ҳамда одамлар ва ҳайвонларнинг хавфли трансмиссив (ўлат, кана энцефалита, туляремия, геморрагик иситма, термиз иситмаси, эфемер иситма, кана иситмаси, вабо, қайталовчи ва тошмали тиф, безгак, трипаносомозлар, I лейшманиозлар, сибир яраси ва бошқа кўплаб) касалликларнинг қўзғатувчиларини тарқатувчи артроподадар (қон сурувчи ҳашарот ва каналар) га қарши курашнинг экологияга одамлар ва ҳайвонлар соғлиғига, фойдали фауна ва флорага хавфсиз бўлган усул ва воситаларини тадқиқ қилиш вазифаси қўйилди.

Тадқиқот услуби: СУМИ-альфа пиретроидининг инсектоакарицидлик

теоини урганиш Павлов С.Д Павлова Р.П. Препараты для защиты рогатого скота от гнуса и зоофильных мух на пастбищах. Москва (1999), книга «Борьба с комарами — переносчиками возбудителей болезней человека и животных», изд. «Мехнат», Ташкент г (1986) ва бошқа илмий манбалар асосида олиб борилди.

Тадқиқот **натижалари:** Ҳозирги пайтда эктопаразитларга қарши курашда I четдан келтириладиган ва ўзимизда ишлаб чиқариладиган инсектоакарицид препаратлардан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан суми-альфа (эсфенвалерат, 20 фоизли концентрат эмульсия) препарати чорва моллари ва лаборатория

хайвонларининг зоопаразитларига қарши ҳархил концентрацияларда сувли эмульсия шаклида лаборатория ва хужалик шароитида қулланиб кўрилди (жадвал 1).

Дастлабки синов тажриба ишлари Самарканд туманининг «Чорводор Ўроков Ш.» фермер хўжалиги чорва моллари ҳамда аҳолининг шахсий чорва моллари (қорамол, қуй, ит) орасида кенг тарқалган бовиколоз, гиподерматоз, рипицефалоз, хиаломмоз касалликларига қарши курашда Навоий “Электрокимёзадов” КК-ЁАЖ да ишлаб чиқарилаётган янги маҳаллий ўсимлик пиретроид препарат - суми-альфа (эсфенвалерат, 20 фоизли концентрат эмульсияси) устида ўтказилди:

Тажриба 1. 40 бош қуй *B. ovis* жунхўрлари ва *Rhipicephalus bursa* канаси билан зарарланганлиги боис, уларга қарши маҳаллий Навоий “Электрокимёзадов” КК-ЁАЖ да ишлаб чиқарилган суми-альфа (эсфенвалерат, 20 фоизли эмульсия концентрат, Тш 64-04643516-87:2007) препаратининг 0,02 фоизли сувли эмульсияси билан (1,0 л/бош., 1,0 мл/АДВ бош. ҳисобида) 2 марта (14 кун оралиғи билан) дориланди.

Самара кузатиб борилди, натижада 2-нчи дорилашдан сўнг қўйлар жунхўрлардан 100 фоиз озод бўлди. Инсектоакарицид самара 100 фоизни ташкил этди.

Тажриба 2. 5 бош қорамол *Hyalomma anatolicum* канаси билан зарарланганлиги (ИИ-3-5 экз.бош, ЭИ - 100 фоиз) боис, уларга қарши суми-альфа препаратининг 0,005 фоизли сувли эмульсияси билан (1,0 л/бош., 0,25 мл/АДВ бош. ҳисобида) дориланди.

Самара кузатиб борилди, натижада 24 соатдан сўнг қорамоллардаги каналар 100 фоиз тариклиги, яъни микроскопда текширилганида уларнинг ҳаммаси фалажланган ҳолда эканлиги (қимирлаётганлиги) аниқланди. Акарицид самара кузатилмади.

Тажриба 3. 68 бош қорамол *B. BOVIS* жунхўрлари ва *Hyalomma anatolicum* канаси билан зарарланганлиги боис, уларга қарши маҳаллий суми-альфа препаратининг 0,006 фоизли сувли эмульсияси билан (3-5,0 л/бош., 0,9-1.5 мл/АДВ бош. ҳисобида) 2 марта (10 кун оралиғи билан) дориланди.

Суми-альфа препарадини сувли эмульсия шаклида зоопаразитларга қарши синов натижалари:

Жадвал 1.

Т/р	Препарат концентра цияси (фоиз)	Мол ЧРИ	Сони (бош)	Паразит тури	Дозаси	Қўллаш усули	Экстенс самара (фоиз)
1.	0,02	қуй	40	<i>Bovicola ovis</i> , <i>Rhipicephalus bursa</i>	1,0 л/б, с.э. 1 мл/б АДВ	пуркаш	100
2	0,005	қорамол	5	<i>H. anatolicum</i>	1л/б с.э. 0,25 мл/б АДВ	пуркаш	0
3	0,006	қорамол	68	<i>Bovicola bovis</i> , <i>H.</i> <i>anatolicum</i>	3-5 л/б с.э. 0,91,5 мл/б АДВ	пуркаш	100
4	0,02	ит	2	<i>Rhipicephalus</i> <i>turanicus</i> , <i>Trichodectes canis</i>	1,0 л/б, с.э. 1 мл/б АДВ	пуркаш	100
5	0,02	бино		<i>Calliphora vicina</i>	50-100 мл/м ²	Автомас ёрдамида сепилди	100

Самара кузатиб борилди, натижада қорамоллар жунхўр ва каналардан 100 фоиз озод бўлди. Инсектоакарицид самара 100 фоизни ташкил этди.

Тажриба 4. 2 бош ит *Rhipicephalus turanicus* канаси (ИИ - ўртача 8-12 экз.бош) ва *Trichodectes canis* жунхўри (ИИ - юзлаб экз.бош) билан зарарланганлиги боис, суми-

альфа препаратининг 0,02 фоизли сувли эмульсияси билан (1,0 л/бош., 1,0 мл/АДВ бош. ҳисобида) дориланди.

Самара кузатиб борилди, натижада 24 соатдан сўнг итлар эктопаразитлардан 100 фоиз озод булди. Инсектоакарицид самара 100 фоизни ташкил этди.

Тажриба 5. Бино ичкарасида синантроп *Calliphora vicina* ҳашаротини кўпайиб кетганлиги боис уларга қарши маҳаллий суми-альфа препаратининг 0,02 фоизли сувли эмульсияси билан 600 м² бинолар ичкараси дезинсекция (50-100 мл/м² ҳисобида) қилинди.

Тажриба натижалари кузатиб борилди, натижада 30 дақиқадан сўнг пашшалар нобуд бўла бошлади, 24 соатдан сўнг текширилганда энтомоцид самара 100 фоизни ташкил этди.

Хулосалар:

1. Қўйларнинг бовиколоз, рипицефалоз касалликларига қарши курашда суми- альфа препаратининг 0,02 фоизли сувли эмульсияси юкори (100 фоиз) терапевтик ва энтомоцид самара кўрсатади.

2. Қорамолларнинг бовиколоз, гиаломмоз касалликларидан даволашда суми- альфа препаратининг 0,006 фоизли сувли эмульсияси юкори терапевтик самарадорликка эга.

3. Итларни триходектоз, рипицефалоз касалликларидан даволашда суми-альфа препаратининг 0,02 фоизли сувли эмульсияси (1,0 литр/бош) юкори инсектицид самара кўрсатади.

4. Суми-альфа пиретроид препаратининг 0,02 фоизли сувли эмульсияси эндофилъ *Calliphora vicina* пашшасига нисбатан юкори (100 фоиз) самарадорликка эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Павлов С.Д., Павлова Р.П. Препараты для защиты рогатого скота от гнуса и зоофильных мух на пастбищах. Москва, 1999, 28 стр.

2. Кербабоев Э., Рузимурадов А. Книга «Борьба с комарами — переносчиками возбудителей болезней человека и животных», изд. «Мехнат», Ташкент, 1986, 114 стр.

3. Рузимурадов А. Биометод в животноводстве. «Узбекский биологический журнал», № 6, Ташкент, 1995 г. (рус.), 12 стр.

4. Рузимурадов А. Биометод - залог здоровья. Журнал «Ветеринария», № 2, Ташкент, 1998 г., (узб.), 8-11 стр.

БУЗОҚЛАР ДИСПЕПСИЯСИДА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эшбуриев Б.М., Ботирова Ш.

Самарканд қишлоқ, хўжалик институты

Республикаимизнинг фермер хўжаликларида бузоқларни соғлом ўстириш, турли касалликларига қарши курашиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу касалликлар орасида бузоқлар диспепсияси асосий ўринни эгаллайди.

Бузоқлар орасида, айниқса четдан келтирилган маҳсулдор сигирлардан тугилган бузоқлар орасида диспепсия касаллигининг кўп қайд этилишига қарамасдан амалиётда қўлланилаётган даволаш усуллари ҳамма вақт ҳам етарли самара бермайди, купчилчк даволаш усуллари мураккаблиги туфайли хўжаликлар шароитида бажарилиши қийин, айрим препаратларнинг жуда ноёблиги, чет давлатлардан келтирилиши ва қимматлиги туфайли уларни қўллашнинг иктисодий самарадорлиги жуда паст бўлади. Шунинг учун бузоқлар диспепсиясини даволаш усулларини такомиллаштиришда касалликнинг